

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

**МУТАХАССИСНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Норова Насиба Азаматовна**

Мутахассиснинг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш.....3

**Норова Насиба Азаматовна**

Совершенствование уголовно-процессуальной деятельности специалиста.....24

**Norova Nasiba Azamatovna**

Improvement of Criminal Procedural Activities of Specialists.....44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

**МУТАХАССИСНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ  
ва суд экспертизаси

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Ү1254 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Вахабжан**  
юридик фанлар доктори, профессор  
**Хидоятов Бахтиёр Батирович**  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Ү1.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 26 февраль соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (53-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 13 февраль куни тарқатилди.  
(2025 йил 13 февралдаги 19-рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Мамасиддиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**М.А.Аминжанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Жаҳонда глобаллашув ва ахборот технологияларининг ривожланиши шароитида жиноятчиликнинг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC)<sup>1</sup> маълумотларига кўра, 2023 йилда жаҳон бўйича жиноятчилик даражаси ўтган йилга нисбатан 10% га ошган бўлиб, энг катта ўсиш кибержиноятчилик соҳасида қайд этилган. 2023 йилда бутун дунёда 700 миллиондан ортиқ инсон киберхавфсизлик билан боғлиқ ҳодисаларга дуч келган ва умумий иқтисодий зарар 8 триллион АҚШ долларидан ошган<sup>2</sup>. Кибержиноятчиликнинг ўсиши тенденцияси кузатилаётган ҳозирги пайтда жиноят процессида мутахассис иштироки институтини такомиллаштириш масаласи, айниқса, замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бўйича жиноятларни тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилишни таъминлаш учун махсус билимга эга шахсларни жалб этишни тақозо этади.

Дунёда жиноят процессида мутахассисларнинг иштирокини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, мутахассислар иштирокида тергов ҳаракатларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари соддалаштириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, рақамли технологиялар соҳасида мутахассисларни жалб қилишнинг янги ҳуқуқий механизмларини яратиш, электрон далилларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг самарали тартибларини ишлаб чиқиш, шунингдек, мутахассисларнинг тадқиқот натижаларини жиноят процессида далил сифатида қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича илмий тадқиқотлар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда жиноятларни тергов қилишда қонунийликни мустаҳкамлаш ва мутахассисларнинг жиноят процессида самарали иштирокини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”да судга қадар ва суд босқичида мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, унинг фикрига процессуал тус бериш масалалари белгиланган. Хусусан, агар 2023 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан суд тергови давомида мутахассисларни жалб қилган ҳолда 76 та қайта тафтиш тайинланган бўлса, 2024 йилнинг 11 ойида тафтишлар сони 60% ошган бўлиб, 128 тани ташкил этди<sup>3</sup>. Бу эса мутахассиснинг исботлаш ва далиллар тўплаш жараёнидаги иштирокини такомиллаштириш мақсадида соҳада янада чуқурроқ илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини англатади.

<sup>1</sup> [https://www.unodc.org/documents/AnnualReport/UNODC\\_REPORT\\_2023-WEB.pdf](https://www.unodc.org/documents/AnnualReport/UNODC_REPORT_2023-WEB.pdf)

<sup>2</sup> <https://www.getastra.com/blog/security-audit/cyber-crime-statistics/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 10.12.2024 йилдаги № 07-14/24-3720-сонли хати

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун (1996), “Суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари (2023) ҳамда “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) Қарори ва ушбу соҳани тартибга солувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ёрдам беради.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан I. “Ахборотли жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳамда таълим соҳалари ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш усуллари яратиш” йўналишига мувофиқ равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жиноят процессида мутахассиснинг процессуал мақомига оид илмий тадқиқотлар олимлар Г.А.Абдумажидов, Г.З.Тўлаганова, Б.Х.Пўлатов, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Қушаев, З.Ф.Иногомжонова, Б.А.Муминов, И.Р.Астанов, Л.О.Баракаевлар томонидан олиб борилган.

Шу билан бирга, жиноят процессида мутахассиснинг процессуал фаолиятини такомиллаштиришга оид жиҳатлар С.А.Отахўжаев, Р.Алимова, Л.Т.Пўлатова, Л.Баканова, Н.Худойқулова, К.И.Исаров, Б.И.Пинҳасов, Ф.Х.Тарханова, Н.Х.Абдусатторова каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Педагог ва психологнинг махсус билимларидан фойдаланиш хусусиятлари О.Д.Алланазаров томонидан ўрганилган, мутахассиснинг процессуал мақоми Б.С.Ҳидоятлов томонидан тадқиқ этилган, тафтиш ва ҳужжатли текширувларни ўтказиш масалалари эса Б.Муминов томонидан тадқиқ қилинган.

Жиноят процессида мутахассиснинг иштироки масалалари яқин хориж олимларидан В.М.Быков, А.В.Кудрявцева, Е.А.Зайцева, Е.П.Гришина, А.Ю.Ушаков, О.А.Исаева, В.Д.Арсеньев, В.Г.Заболоцкий, Н.И.Бурнашев, А.Н.Бычков, С.А.Роганов, Л.Н.Иванов, А.А.Новиков, М.С.Строгович, Г.А.Воробьев, А.В.Бельский, Е.В.Ломакина, Ю.К.Орлов, С.П.Голубятников, В.Г.Танасевич каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Жиноят процессида мутахассисларнинг иштироки масалалари узок хориж олимлари L.M.Owes, K.P.Kirkbride, S.F.Kelty, R.Julian, N.Kemp,

S.Timmerbeil, Donald E. Shelton, Sigita Šimbelytė, Melanie Klinkner, Glenn R. Anderson, Chris D.L. Hunt, Lorne Neudorf, I. Freckelton, H. Selby, P. Michell, R. Mandhane, N. Gary Holten va L. Lamar томонидан ўрганилган.

Юқорида қайд этилган олимлар мутахассиснинг процессуал мақомининг айрим жиҳатлари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жиноят ишида иштирок этиш хусусиятларини ўрганганлар. Бироқ, ҳозирги вақтгача ахборот технологияларининг ривожланиш тенденциялари, кибержиноятчиликнинг ўсиши ва далиллаштиришда махсус билимлардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш заруратини ҳисобга олган ҳолда, мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми ва процессуал фаолияти бўйича комплекс тадқиқот ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мутахассиснинг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган (2022-2025).

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят ишлари бўйича мутахассисларнинг процессуал фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят процессида мутахассис институтининг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш;

мутахассиснинг жиноят суд ишларини юритишдаги фаолияти шакллари ва хусусиятларини ўрганиш;

мутахассис тушунчасини ва унинг ҳуқуқий мақомига оид масалаларни жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ белгилаш;

жиноят иши қўзғатиш босқичида мутахассиснинг иштирок этишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини аниқлаш;

тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштирок этишининг процессуал тартибини белгилаш;

мутахассис томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг процессуал аҳамиятини таҳлил қилиш;

жиноят процессида мутахассис иштирокини тартибга солувчи халқаро меъёр ва стандартларни таҳлил қилиш;

миллий қонунчилигимизда мутахассисларнинг иштирокини тартибга солувчи илғор процедураларни, шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётини қўллаш самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят ишлари бўйича мутахассиснинг процессуал фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят ишлари бўйича мутахассиснинг процессуал фаолиятига боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро

стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий, тизимли, тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий ва социологик усуллар, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, индукция, дедукция ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиниши унинг қонуний вакили ёки катта ёшли яқин қариндоши, педагог ва (ёки) психолог ёхуд жабрланувчининг вакили иштирокида амалга оширилиши, ушбу шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкинлиги, шунингдек, педагог ва (ёки) психологнинг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таъминланиши лозимлиги асосланган;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра, ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкинлиги, педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилиши, педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига саволлар беришга ҳақли эканлиги асосланган;

электрон далиллар ҳамда рақамли маълумотларнинг йўқотилиши ёки ўзгартирилишини олдини олиш мақсадида электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотларни қабул қилиб олиш ва электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмларни кўздан кечириш мутахассиснинг мажбурий иштирокида амалга оширилиши лозимлиги асосланган;

жиноят-процесси доирасида олинган электрон (рақамли) маълумотларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида олиб қўйиш ёки кўздан кечириш тергов ҳаракатлари давомида мутахассис иштирокисиз олинган электрон (рақамли) маълумотлар номақбул далил деб топилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш ҳамда психологнинг жиноят-процесси иштирокчиси сифатида ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган, у одил судловни таъминлашга ҳисса қўшади;

жиноят-процессуал кодексига мутахассис тадқиқотлари натижаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлайдиган алоҳида моддани киритиш зарурлиги асосланган, ушбу моддада “мутахассис далолатномаси”, “мутахассис фикри” ва “мутахассис хулосаси” тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳамда уларни далиллар рўйхатига киритиш таклиф этилган;

ваколатли органлар ўртасида интеграция қилинган ҳолда махсус билим, амалий тажриба ва кўникмаларга эга шахсларни ҳисобга олиш учун автоматлаштирилган ахборот тизими ва «мутахассислар реестри»ни яратиш зарурлиги асосланган;

қонунийликни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ва жамият ҳамда давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини самарали бажариш мақсадида прокуратура органларида кибержиноятларга қарши кураш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ва прокурорлар тармоғини ташкил этиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик меъёрлари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, социологик сўровлардан (23 нафар судья, 12 нафар адвокат ва 70 нафар прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган) фойдаланилган. Тадқиқотда 200 дан ортиқ жиноят ишлари бўйича статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Чиқарилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар апробациядан ўтказилган ва етакчи миллий ҳамда халқаро нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, хулосалар ва тавсиялар жиноят процессида мутахассисларнинг процессуал фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқотнинг назарий жиҳатлари жиноят ишлари бўйича мутахассисларнинг процессуал фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган янги илмий тадқиқотларни амалга оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда ва қонун ижодкорлиги фаолиятида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ҳамда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларини қўллаш амалиётида, шу жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятида, юридик олий таълим муассасалари ўқув жараёнида, айниқса “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Криминалистика”, “Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш”, “Далиллаш назарияси” фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда, ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ

килиниши унинг қонуний вакили ёки катта ёшли яқин қариндоши, педагог ва (ёки) психолог ёхуд жабрланувчининг вакили иштирокида амалга оширилиши, ушбу шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкинлиги, шунингдек, педагог ва (ёки) психологнинг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таъминланиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-735-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддаси биринчи, иккинчи қисмларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инobatга олинди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 26-сон далолатномаси). Мазкур таклиф жиноят процессида олинган кўрсатмалар сифатини оширишга ва жиноят процессида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кучайтиришга хизмат қилган;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра, ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкинлиги, педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилиши, педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-735-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасини шакллантиришда инobatга олинди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 26-сон далолатномаси). Мазкур таклиф психологнинг жиноят процесси иштирокчиси сифатида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда билим ва кўникмаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўллашга хизмат қилган;

электрон далиллар ҳамда рақамли маълумотларнинг йўқотилиши ёки ўзгартирилишини олдини олиш мақсадида электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган

холда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотларни қабул қилиб олиш ва электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмларни кўздан кечириш мутахассиснинг мажбурий иштирокида амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Электрон (рақамли) далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси доирасида Жиноят-процессуал кодексининг 204<sup>1</sup>-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 27/2-315-24-сон далолатномаси). Ушбу таклиф орқали электрон далилларни қабул қилиш ва кўздан кечириш учун мутахассис иштирокининг мажбурийлиги жиноят процессида рақамли далилларни мустаҳкамлашга хизмат қилади;

жиноят-процесси доирасида олинган электрон (рақамли) маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида олиб қўйиш ёки кўздан кечириш тергов ҳаракатлари давомида мутахассис иштирокисиз олинган электрон (рақамли) маълумотлар номақбул далил деб топилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Электрон (рақамли) далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси доирасида Жиноят-процессуал кодексининг 95<sup>1</sup>-моддаси тўртинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 27/2-315-24-сон далолатномаси). Ушбу таклиф орқали далиллар билан ишлашда мутахассиснинг иштирокини мажбурий қилиб белгиланиши жиноят-процесси доирасида олинган электрон (рақамли) маълумотларнинг ишончлилигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 4 та илмий тадбирда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларда тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан 8 таси илмий журналларда (4 таси халқаро журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг *кириш* қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг *“Жиноят процессида мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми”* деб номланган биринчи бобида мутахассис институтининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий жиҳатлари, унинг фаолият шакллари ва хусусиятлари, шунингдек, мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси ва унинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги жиҳатлари ўрганилган.

Муаллиф томонидан жиноий суд ишларини юритишда махсус билимларни қўллашнинг эволюцияси тадқиқ этилган. Бу жараён қадимги даврлардан (Ҳиндистондаги Ману қонунлари, Хитойнинг *“Си-юань-лу”* суд-тиббий қоидалари, Европа қонунчилигидаги Каролина даври) бошлаб, Ўзбекистонда мутахассис институтининг ҳозирги ривожланиш босқичигача бўлган даврни қамраб олган. Мустақилликка эришгандан кейин миллий қонунчиликда мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми шакллантириш таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллиф жиноят жараёнида *“мутахассис”* тушунчасини аниқлаш бўйича турли илмий ёндашувларни таҳлил қилган. Шунингдек, *“махсус билимлар”* ва *“махсус кўникмалар”* тушунчалари ўртасидаги нисбат бўйича олимларнинг позициялари (В.Д. Арсеньев, В.Г. Заболоцкий, Н.И. Бурнашев) кўриб чиқилган. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан *“мутахассис”* тушунчасининг муаллифлик таърифи таклиф этилган.

Муаллиф томонидан мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми экспертнинг мақомидан сезиларли даражада фарқ қилиши асослаб берилган, гарчи уларнинг умумий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлса ҳам. Уларнинг процессуал функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўртасидаги асосий фарқлар баён этилган. Жумладан, мутахассис экспертдан фарқли ўлароқ, ёлгон кўрсатмалар берганлиги учун албатта жиноий жавобгарликка тортилишин назарда тутилмаган. Шунингдек, эксперт фаолиятининг натижалари (эксперт хулосаси) мустақил далил мақомига эга бўлади, ҳолбуки мутахассис фаолиятининг натижалари (далолатномаси, хулосалари, фикрлари) бундай мақомга эга эмас. Бу эса уларнинг далил сифатида фойдаланиш имкониятларини жиддий даражада камайтиради.

Тадқиқотда психологнинг педагог билан биргаликда вояга етмаганларни сўроқ қилишда иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг зарурий шарти эканлиги асослаб берилган. Муаллиф жиноят жараёнида вояга етмаган иштирокчиларни сўроқ қилишда психологнинг мажбурий иштирокини қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб беради.

Муаллифнинг фикрига кўра, жиноий суд ишларини юритишда қатнашадиган мутахассисларнинг ягона электрон маълумотлар базасини яратиш зарурати мавжуд. Бундай база мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг малакасини текшириш жараёнларини оптималлаштиришга хизмат қилади.

2020 – 2024 йиллардаги суд амалиёти таҳлили асосида, мутахассислар иштирокида қайта тайинланган тафтиш текширувлари натижалари оқибатида жиноят ишлари бўйича кўплаб оқлов ҳукмлари ҳамда қайта квалификация ҳолатларига олиб келгани аниқланган. Бу эса, ўз навбатида, мутахассис фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Муаллиф қонунчиликка қуйидагича ўзгартишлар киритишни таклиф этган: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мутахассиснинг ёлғон кўрсатма ёки далолатномалар тақдим этиши ва кўрсатма беришдан бош тортиш учун жавобгарликни белгилайдиган нормаларни киритиш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига “мутахассис далолатномаси”, “мутахассис фикри” ва “мутахассис хулосаси” тушунчаларнинг таърифларини мустаҳкамлаш.

Муаллиф томонидан қонунчиликда мутахассиснинг малакасига талаблар белгилаш зарурлиги асосланган. Бу талаблар тегишли маълумотга, касбий тажрибага ва махсус билимларга эга бўлишни ўз ичига олади. Мутахассисни жиноят процессига жалб қилишдан олдин унинг малакасини текшириш тартибини жорий этиш таклиф қилинган.

Тадқиқотда мутахассиснинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган. Жумладан, мутахассисга унинг тадқиқоти объектига тегишли бўлган жиноят иши материаллари билан танишиш, қўшимча материалларни тақдим этиш бўйича илтимоснома билдириш, тадқиқот ўтказиш учун зарур шароитлар мавжуд бўлмаган ҳолларда процессуал ҳаракатларда иштирок этишдан бош тортиш каби ҳуқуқларни бериш таклиф қилинган.

*“Мутахассиснинг жиноят-процессуал фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари” деб номланган иккинчи бобда* мутахассиснинг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари ва тартиби, мутахассиснинг тергов ҳаракатларида қатнашишининг процессуал тартиби, шунингдек, мутахассис томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижаларининг процессуал аҳамияти тадқиқ этилган.

Диссертация муаллифи томонидан турли соҳаларда махсус кўникмалар ва илмий-техник воситаларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Буларга қуйидагилар киради: тезкор-қидирув фаолияти, жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов, суд муҳокамаси ва кассация иш юритуви.

Муаллиф, айниқса, жиноят ишини қўзғатиш ва терговгача текширув ўтказиш босқичларида мутахассиснинг ролига алоҳида эътибор қаратган.

Мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми қоидаларида тафтишни тўхтатиб туриш асосларини аниқлаш бўйича қўшимча тартибга солиш зарурлиги

исботланган. Муаллиф томонидан қуйидаги тўртта асосни қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф қилинган: далилларни аниқлаш учун тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати, муҳим ҳужжатларни олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар, қўшимча мутахассисларни жалб қилиш ёки мавжуд мутахассисларни алмаштириш зарурати, бухгалтерия ҳисоботларини тиклаш зарурати.

Муаллиф Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси ва мутахассис томонидан иш материаллари ҳамда процессуал ҳаракатларни аниқ тушуниш муҳимлигини инобатга олиб, мутахассис учун таржимон тақдим этиш ҳуқуқини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаган.

Шунингдек, муаллиф мутахассис ҳуқуқларини кенгайтиришни таклиф қилган, хусусан, уларнинг рўйхатига далилларни олиб қўйиш ҳуқуқини киритиш зарурлигини илгари сурган. Муаллифнинг фикрига кўра, мутахассис тегишли билимларга эга бўлгани сабабли, ҳодиса жойида далилларни тезкор олиб қўйиш имкониятига эга. Бу эса тергов ҳаракатлари учун сарфланадиган вақтни қисқартиришга хизмат қилади.

Диссертант томонидан мутахассис томонидан тадқиқотлар ўтказиш имконияти бўйича турли илмий нуқтаи назарлар таҳлил қилинган (В.М. Быков, Н.П. Майлис, Е.В. Ломакина, Ю.К. Орлов). Муаллиф таҳлил асосида қуйидаги хулосага келган: мутахассис нафақат терговчига далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлашда кўмаклашади, балки қуйидаги вазифаларни ҳам бажаради: далилларни олиб қўйиш, эксперт учун саволларни шакллантириш, ўз ваколати доирасида томонларга ва судга саволларни тушунтириш.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини бир хилда талқин қилиш ва қўллашни таъминлаш учун янги норма жорий этиш зарурлиги асосланган. Ушбу норма қуйидаги тушунчаларнинг таърифларини ўз ичига олиши лозим: “мутахассис хулосаси”, “мутахассис далолатномаси”, “мутахассис фикри”. Шунингдек, мазкур тушунчаларнинг жиноят процессида қўлланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация муаллифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мутахассиснинг хулосаси, фикри ва далолатномасига оид янги модда киритишни таклиф қилган. Ушбу моддада уларнинг мазмуни, тузилиши ва тузиш тартиби белгилаб қўйилиши зарур. Муаллиф мутахассис хулосасининг мажбурий элементларини батафсил баён этган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: хулоса тузилган сана ва жой, мутахассис ҳақидаги маълумотлар, хулоса бериш асослари, тадқиқот объектларининг тавсифи, қўйилган саволлар, тадқиқот натижалари.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини асослаб берган. Таклиф қилинган ўзгартиришга кўра, мутахассиснинг хулосаси, ва далолатномаси далилларнинг турлари рўйхатига киритилиши лозим. Бу мутахассис тадқиқотлари натижаларининг процессуал аҳамиятга эга

бўлишини таъминлайди ва улардан бошқа далиллар билан тенг равишда фойдаланиш имконини беради.

Диссертация муаллифи терговчи ва мутахассис ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муаммоларини атрофлича ўрганиб, асосий ташкилий-тактик камчиликларни аниқлаган. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат: мутахассисга далиллар билан ишлаш учун етарлича вақт ажратилмаслиги, мутахассиснинг ҳаракатлари баённомада тўлиқ қайд этилмаслиги, техник воситаларни қўллашда мувофиқлаштириш етишмаслиги, муаллиф ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш учун қуйидаги аниқ чораларни таклиф этган, мутахассиснинг иш вақтини ва мутахассис ҳаракатларини ҳужжатлаштириш тартибини белгилаш.

Диссертацияда муаллиф тафтишлар ва ҳужжатли текширувлар ўтказишда мутахассиснинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлигини асослаб берган. Хусусан, тафтишни тўхтатиб туриш асосларини қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф қилинган. Булар қуйидагилардан иборат: қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати, ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, қўшимча мутахассисларни жалб қилиш зарурати, бухгалтерия ҳисоботини тиклашга бўлган эҳтиёж. Бу таклифлар тафтиш жараёнининг самарадорлигини оширишга ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқотда жиноят ишини қўзғатиш босқичида тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштироки таъминлайдиган аниқ нормалар мавжуд эмаслигини аниқланди. Муаллиф жиноят изларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиш учун махсус билимлар талаб қилинадиган ҳолатларда, ҳодиса жойини, ашёлар ва ҳужжатларни қўздан кечиришда мутахассиснинг мажбурий иштирокини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлигини асослаб берган. Бу ўзгартириш мутахассиснинг махсус билимларидан самарали фойдаланишга ва далилларни йиғиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

*“Миллий қонунчиликни халқаро стандартлар ва хорижий қонунчилик нормаларига мувофиқ такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобда мутахассиснинг иштирокини тартибга солувчи халқаро нормалар ва стандартлар ўрганилган. Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётида мутахассисларнинг иштироки бўйича илғор тартибларнинг миллий қонунчиликда самарали қўлланиши оид масалалар таҳлил қилинган.*

Диссертация муаллифи жиноят процессида мутахассисларнинг иштирокини тартибга солувчи асосий халқаро ҳужжатларни ўрганган. Уларнинг қаторига қуйидагилар киради: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси, Кибержиноятчиликка қарши Европа Кенгашининг Конвенцияси (Будапешт Конвенцияси), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТнинг Конвенцияси (Палермо Конвенцияси), ФАТФнинг тавсиялари ва бошқа халқаро меъёрий ҳужжатлар. Муаллиф ушбу ҳужжатларнинг мутахассис иштирокига оид қоидаларини таҳлил

қилиб, уларнинг миллий қонунчиликка татбиқ этиш имкониятларини тадқиқ қилган.

Муаллиф кибержиноятчилик бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиб, унинг сезиларли ўсишини қайд этган. Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда киберхужумлар сони 2022 йилга нисбатан 15% га ошган. Умумий иқтисодий зарар 8 триллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган. Ўзбекистонда ҳам кибержиноятчилик ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Мамлакатда 25 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчилари мавжуд бўлиб, бу аҳолининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруриятини янада оширмоқда.

Тадқиқотда кибержиноятларни тергов қилишда мутахассисларнинг иштироки бешта асосий йўналишга ажратилган: далилларни йиғиш ва сақлаш – рақамли далилларнинг яхлитлигини ва ҳаққонийлигини таъминлаш, рақамли далилларни таҳлил қилиш – кибержиноятчилик билан боғлиқ бўлган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни тавсифлаш, зарарли дастурлар изларини аниқлаш – зарарли дастурлар ва уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш, тармоқ фаолиятини кузатиш – киберхужумлар юзасидан тармоқ мониторингини олиб бориш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш – кибержиноятларга қарши чораларда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Муаллиф рақамли далиллар билан ишлашда мутахассиснинг иштироки уларнинг қонуний далил сифатида қабул қилиниши учун мажбурий эканлигини исботлаган. Бунда мутахассис қуйидаги вазифаларни бажаради: рақамли далилларнинг яхлитлигини таъминлайди, уларни тўғри таҳлил қилади ва судда ҳаққоний тарзда тақдим этади. Муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида кибержиноятларга ихтисослашган бўлимлар ва прокурорлар тармоғини ташкил этиш зарур. Бундай амалиёт Италия, Буюк Британия, Испания, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларда самарали қўлланилмоқда. Ўтказилган ижтимоий сўровнома натижасида мазкур таклиф 92% иштирокчилар томонидан мақулланган.

Диссертацияда жиноят жараёнида мутахассисларнинг иштирокига оид хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган. Хусусан, қуйидаги мамлакатлардаги мутахассисларнинг ҳуқуқий мақомига эътибор қаратилган:

Германияда мутахассислар “гувоҳ-мутахассис” сифатида иштирок этади, Болгарияда мутахассислар “техник ёрдамчилар” сифатида жараёнга жалб этилади, АҚШ ва Буюк Британияда мутахассислар ҳуқуқий тартибга солишнинг илғор механизмларига эга бўлган мамлакатлар сифатида таҳлил қилинган.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигидаги сўнгги ўзгаришларни таҳлил қилган. Жумладан, 2024 йил 19 январда қабул қилинган ЎРҚ-899-сонли Қонун таҳлил қилинган. Ушбу қонун билан: “криптоактив” ва “майнинг” тушунчалари жорий этилган, ушбу соҳадаги қонунбузарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида электрон (рақамли) маълумотлар билан ишлашни тартибга солиш зарурлиги асослаб берилган. Муаллиф 95<sup>1</sup>-моддага электрон далиллар мутахассис иштирокисиз олинган ҳолатда, уларнинг қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги бўйича қоидалар қўшилиши лозимлиги ҳақида ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф берган. Ижтимоий сўровнома натижалари билан асосланган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига электрон маълумотлар билан ишлашда уларнинг яхлитлигини ва ишончлилигини таъминлашга қаратилган электрон маълумотлар ташувчисинининг оригиналини кўздан кечиришда мутахассиснинг мажбурий иштирокини белгилаш, 87-моддага электрон маълумотларни далил манбалари рўйхатига киритиш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф қилган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95<sup>1</sup>-моддасининг учинчи қисмини мутахассиснинг хулосаси, фикри ёки далолатномаси жиноят-процессуал қоидаларини бузган ҳолда олинган бўлса, уларни далил сифатида қабул қилинишини тақиқлашни таклиф этган.

Муаллиф Ўзбекистонда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва глобал ресурслар ва мутахассислардан фойдаланиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Европа Кенгашининг Кибержиноятчилик тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш зарурлигини таъкидлаган.

Тадқиқотда муаллиф Ўзбекистонда рақамли криминалистика бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш аҳамиятини таъкидлаган. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси базасида ихтисослаштирилган ўқув дастурларини яратиш лозимлиги таклиф этилган. Бу дастурлар қуйидаги йўналишларда ходимларни ўқитишни кўзда тутди: рақамли далиллар билан ишлаш кўникмалари, кибержиноятларни тергов қилиш усуллари, замонавий техник воситалардан фойдаланиш. Бу чора-тадбирлар янги турдаги жиноятларга самарали қарши тура оладиган юқори малакали мутахассислар корпусини шакллантириш имконини беради.

Халқаро тажриба таҳлили асосида диссертация муаллифи турли мамлакатларнинг мутахассислари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида маълумот алмашинуви учун ягона ахборот тизимини яратиш зарурлигини асослаб берган. Бундай тизим кибержиноятлар, уларни содир этиш ва тергов қилиш усуллари тўғрисидаги маълумотлар базаларига ҳимояланган кириш имконияти, чегаралараро жиноятларни тергов қилишда мутахассисларнинг тезкор ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотда мутахассисларнинг рақамли далиллар билан ишлаш тартиб-қоидаларини стандартлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Муаллиф мутахассислар фаолиятини бирлаштиришга ва кибержиноятларни тергов қилишда уларнинг иш сифатини оширишга хизмат қилувчи халқаро

стандартларга мос келадиган ва уларнинг судда далил сифатида қабул қилинишини таъминлайдиган рақамли далилларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилишнинг ягона баённомалари ва усуллари ишлаб чиқишни таклиф қилган.

## ХУЛОСА

“Мутахассиснинг жиноий процессуал фаолиятини такомиллаштириш” мавзусида олиб берилган диссертация тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **I. Илмий ва назарий хулосалар:**

1. Муаллиф томонидан “мутахассис” тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Унга кўра, “мутахассис - қонунчиликда белгиланган тартибда процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун жалб этилган иш натижасидан манфаатдор бўлмаган, далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйишда кўмаклашувчи, махсус билимлар, кўникмалар ва малакага эга шахс”.

2. Мутахассис тадқиқотлари натижалари таснифланган ва қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари берилган:

“*Мутахассис хулосаси*” – бу тарафлар томонидан қўйилган саволларга махсус билимлар қўлланилиб тайёрланган, батафсил хулосаларни ўз ичига оладиган ҳужжат шаклида баён этилган ёзма фикр.

“*Мутахассис далолатномаси*” – мутахассис томонидан жиноят иши учун аҳамиятга эга моддий далиллар ёки маълумотларни аниқлаш, ҳужжатлаштириш, олиб қўйиш ёки сақлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга оширганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат. Мутахассис далолатномаси мутахассиснинг процессуал ҳаракатларда қатнашганлигини тасдиқлайди ва унинг фаолияти натижаларини ҳужжатлаштириш учун хизмат қилади, лекин таҳлилий хулосаларни ўз ичига олмайди.

“*Мутахассис фикри*” – бу мутахассис томонидан унинг касбий билим ва кўникмалари асосида берилган оғзаки ёки ёзма тушунтириш бўлиб, жиноят иши иштирокчиларига ишнинг айрим ҳолатларини тушуниш ёки талқин қилишда ёрдам беради.

3. “*Педагог*” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, “*педагог*” – бу терговчи (суриштирувчи)га вояга етмаган шахсга тергов жараёнида салбий таъсир кўрсатилишининг олдини олиш, унинг хулқ-атвориغا ижобий таъсир кўрсатиш ва у билан ўзаро тил топишишда ёрдам берадиган мутахассисдир.

